Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 51 (10.300).

1992 йил
12 март
пайшанба

Баҳоси 1 сўм.

Вилоят ижтимоий–сиёсий рўзномаси

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИ ЖУМЛАИ ЖАҲОН БИЛАДИ

Шу кунларда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов номига меҳнаткашлардан табрик телеграммалари тез-тез келиб турибди. Бу қутловларни халқ депутатлари ва ҳокимлар, деҳқон кенгашларининг раҳбарлари, саноат корхоналари ва давлат хўжаликларининг ишчилари, ташкилотлар ва идораларнинг хизматчилари, уруш ва меҳнат фахрийлари, қаҳрамон оналар, олий ўқув юртлари ва халқ таълими ходимлари, ёзувчилар, шунингдек, қўшни мустақил давлатларнинг фуқаролари йўллаганлар. Улар ўз телеграммаларида жонажон Ўзбекистонимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси этиб қабул қилинганлиги ҳақида, бу эса Ўзбекистон Республикаси солномасида ўчмас тарихий воқеа бўлиб қолажаги тўғрисида, БМТ қароргоҳида мустақил Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турганлиги ҳақида ўзгача бир ғурур билан ёзганлар. Президентимизга сиҳат-саломатлик ва мустақиллик йўлида олиб бораётган ишларида катта муваффақиятлар тилаганлар.

— Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,— дейилади Ўзбекистон деҳқон уюшмаси кенгашининг раиси М. Исматовнинг табрикномасида. — Республикамиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси этиб қабул қилинганлиги тўғрисидаги хушхабарни қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари катта қувонч билан кутиб олдилар. Бу Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш учун Сиз қилаётган сербарака меҳнат самарасидир.

Фарғона политехника институти Қўқон умумтехника факультетининг талабалари ва профессор-ўқитувчиларининг умумий йиғилиши номидан талабалардан А. Аҳмедов, А. Мелибоев, Ш. Жабборов, Э. Усмонов, профессор-ўқитувчилардан К. Ҳасановнинг мактубида жумладан бундай дейилади: «Сизни ва Ўзбекистоннинг кўпмиллатли халқини жумҳуриятимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинганлиги билан табриклаймиз. Бу Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида бутун дунёга танитиш борасида раҳбарият олиб бораётган ишининг меваси деб биламиз».

Ўзганлик қаҳрамон она Дилором Содиқова ўз қалб сўзларини бундай изҳор қилади: «Ҳурматли Президент Ислом Каримов, Сиз ва Сиз орқали бутун ўзбек халқини Ўзбекистон жумҳуриятини жаҳон ҳамжамияти аъзолигига қабул этилганлиги билан чин дилдан қутлайман. Истиқбол йўлида Сизга ва халқимизга улкан зафарлар тилайман».

Тошкент давлат консерваториясининг жамоаси ва раҳбарияти номидан ректор О. Юсупова, проректорлар Т. Ғафурбеков ва И. Налбандян, ёзувчи Мирмуҳсин, Совет обод шаҳрининг Аҳор кўчасидаги 7-уйда истиқомат қилувчи Маҳаммаджон Мамажонов, Хоразм вилояти Янги ариқ ноҳия халқ таълими бўлимининг мудири, жумҳуриятда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими Н. Асқаров ва бошқалар ҳам Президент И. А. Каримов номига табрик телеграммалари йўллаб, республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул этилганлиги билан самимий қутлаганлар ва ўзларининг энг яхши истакларини изҳор қилганлар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

ХАЙРЛИ ИШГА ҲИССА ҚЎШИНГ!

Навбуз

ВИЛОЯТИМИЗДАГИ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАР ДИҚҚАТИГА!

Маълумки, 21 март куни республикамизда халқимизнинг миллий байрами — Наврўзи айём кенг нишонланади. Айни кунларда ҳамма жойда уни уюшқоқлик билан ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Ана шу катта байрам муносабати билан вилоят ҳокимининг фармойишига кўра Тошкент вилоятида ҳам 14 март куни умумхалқ ҳашари ўтказилади. Бу умумхалқ ҳашаридан тушадиган маблағ эса ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган ночор оилалар, кўп болали ҳамда камқонли ҳомиладор оналар ва бошқа ночор фуқароларга моддий ёрдам сифатида сарфланади.

Ҳозирги иқтисодий мураккаб шароитда бу тоифа фуқароларни ижтимоий ҳимоя этишга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган, савобли иш қилишни муқаддас деб билган барча жамоалар, корхона, ташкилот, хўжаликлар ҳамда фуқароларнинг бу хайрли ишда фаол иштирок этишларига шак-шубҳа йўқ. Зеро, бу ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

«Наврўз» жамғармасига ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлганлар маблағни қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари мумкин:

Тошкент шаҳар «Промстройбанк»нинг Шайхонтоҳур бўлими, ҳисоб рақами 000709901.

КЕЛИНГ, АЗИЗЛАР, УМУМХАЛҚ ҲАШАРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ БУ ХАЙРЛИ, САВОБ ИШГА УЗИМИЗНИНГ МУНОСИБ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАЙЛИК!

НАВРЎЗИ ОЛАМ НАФАСИ

10 МАРТ куни Тошкентда Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш Республика ташкилий комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни шу комитет раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров олиб борди.

Мажлисда Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида Наврўз байрамига тайёргарликнинг бориши тўғрисида мутасадди кишиларининг ҳисоботи тингланди. Республика маданият, савдо вазирликлари, «Ўзбекбирлашув»нинг Наврўзни чинакам халқ байрамига айлантириш борасидаги тадбирлари муҳокама қилинди.

Наврўз шодиёналарини ҳозирдаёқ бошлаб юборган Фарғона вилояти аҳолиси 14 мартда ўтказиладиган умумхалқ хашари куни ишлаб топилган маблағнинг 40 фоизини Республика Наврўз ва ҳайрия жамғармаларига ўтказишга қарор қилди. Наманганликлар эса хайру-эҳсон бобида намуна кўрсатишмоқда. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига атаб бепул кийим-бош ва пойабзал тикгирилмоқда. Бу ерда Наврўз шарафига ҳар бир кишининг учтадан мевали дарахт кўчати ва тўрттадан терак экиши ҳақидаги тадбирлар муҳокама қилинди.

Наврўз шодиёналарини ҳозирдаёқ бошлаб юборган Фарғона вилояти аҳолиси 14 мартда ўтказиладиган умумхалқ хашари куни ишлаб топилган маблағнинг 40 фоизини Республика Наврўз ва ҳайрия жамғармаларига ўтказишга қарор қилди. Наманганликлар эса хайру-эҳсон бобида намуна кўрсатишмоқда. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига атаб бепул кийим-бош ва пойабзал тикгирилмоқда. Бу ерда Наврўз шарафига ҳар бир кишининг учтадан мевали дарахт кўчати ва тўрттадан терак экиши ҳақидаги тадбирлар муҳокама қилинди.

Наврўз шодиёналарини ҳозирдаёқ бошлаб юборган Фарғона вилояти аҳолиси 14 мартда ўтказиладиган умумхалқ хашари куни ишлаб топилган маблағнинг 40 фоизини Республика Наврўз ва ҳайрия жамғармаларига ўтказишга қарор қилди. Наманганликлар эса хайру-эҳсон бобида намуна кўрсатишмоқда. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига атаб бепул кийим-бош ва пойабзал тикгирилмоқда. Бу ерда Наврўз шарафига ҳар бир кишининг учтадан мевали дарахт кўчати ва тўрттадан терак экиши ҳақидаги тадбирлар муҳокама қилинди.

Наврўз шодиёналарини ҳозирдаёқ бошлаб юборган Фарғона вилояти аҳолиси 14 мартда ўтказиладиган умумхалқ хашари куни ишлаб топилган маблағнинг 40 фоизини Республика Наврўз ва ҳайрия жамғармаларига ўтказишга қарор қилди. Наманганликлар эса хайру-эҳсон бобида намуна кўрсатишмоқда. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига атаб бепул кийим-бош ва пойабзал тикгирилмоқда. Бу ерда Наврўз шарафига ҳар бир кишининг учтадан мевали дарахт кўчати ва тўрттадан терак экиши ҳақидаги

ташаббус кенг қулоч ёймоқда. Андижон вилояти ҳокимлиги 1992 йилни «Меҳр-шафқат йили» деб эълон қилди. Бу ерда нафақат кам таъминланган оналар, етим-есирлар, ҳатто 200 нафар муҳтож талаба ҳам ижтимоий ҳимояга олинди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Наврўз муносабати билан 14 мартда умумхалқ хайрия ҳашарини ва 21 мартда «Мустақиллик, тинчлик, меҳр-шафқат» хайрия телемарафонини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ана шу тадбирларнинг амалга оширилишига раҳбарлик қилиш ҳам ташкилий комитет зиммасига юкланди. Комитет мажлисида Ўзбекистон Телерадио компанияси раҳбарлари ва масъул ходимлари йиғинига беш соатлик узлуксиз кўрсатувга қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳамда унда асосан қандай мавзулар ёритилиши тўғрисида маълумот бердилар.

Мажлисда туркиялик бародарларимизнинг инсонпарварлик ёрдамини вилоятларга пайсалга солмай етказиб бериш зарурлигига эътибор қаратилди.

(ЎзА мухбири).

• *Қорасув районида*

БАРАКА ТОТУВЛИКДАДИР

ЎЗБЕКИСТОН Халқ демократик партиясининг жойлардаги ташкилотлари аста-секин омма орасига чуқурроқ кириб, ўз ўрнини топиб бормоқда. Яқинда Ўртаовул қўрғон Кенгашида бўлиб ўтган ЎзХДП Қорасув район Кенгаши ижроия бюросининг кўчма йиғилишида ҳам бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди. Район Кенгаши яқинлашиб келаётган «Наврўз» байрамини ўтказиш юзасидан ўз тавсиялари ва таклифларини баён этди.

Бугунги кунда жамиятимиз бошидан кечираётган мураккаб аҳволдан чиқишнинг энг оқилона йўли мана шундай оғир кунда бирлашишимиз, ҳамкор, ҳамжиҳат, елкадош бўлиб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, ягона мақсад сари курашишдир. Йиғилишда бу алоҳида таъкидланди. Шу муносабат билан Халқ демократик партияси район Кенгаши райончининг барча аҳолисига мурожаат билан чиқди. Унда катта қийинчиликлар билан қўлга киритилган Ўзбекистон мустақиллигини сақлаб қолиш, жумҳуриятимизни ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан ривожланган давлатга айлантириш учун тотувлик билан, қўлни-қўлга бериб баракали меҳнат қилиш кераклиги алоҳида таъкидланган. Дарҳақиқат, бараканинг боши тотувликдадир, буни даврнинг ўзи исботлаб турибди.

ЯНГИ ШЎРО ИШ БОШЛАДИ

«ЗАНГИОТА» райондаги энг йирик қишлоқ шўроларидан бири эди. Сўнгги пайтда аҳоли сонининг жадал кўпайиши бу ҳудудда бир қатор муаммоларни ҳал этишда мураккабликларни юзага келтирди. Буни ҳисобга олган халқ депутатлари район Кенгаши қишлоқ шўросини никкига бўлиш ҳақида қарор чиқарди. Эндиликда бу ҳудудда Зангиота қишлоқ шўроси билан биргаликда яна бир янги Эркин қишлоқ шўроси фаолият кўрсата бошлади. Шу ердаги У. Юсупов, Туркистон, Қаҳрамон, Қурилиш, Қуёшли ҳамда Эркин аҳоли марказлари янги қишлоқ шўроси ихтиёрига ўтказилди. Умуман бу қишлоқ шўроси ҳудудида ўн бир мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

ХОРИЖЛИКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

ГОСНИТИ Ўрта Осиё шўъбасининг тажриба заводи жамоаси кейинги пайтда хорижий ишбилармонлар, корхоналар ва фирмалар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириб бормоқда.

Яқинда завод бошқаруви Исроилнинг «1. Е. С.» фирмаси билан сутни қайта ишлайдиган кичик завод ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича дастлабки музокараларни якунлади. Бу кичик заводнинг афзалликлари жуда кўп. Биринчидан уни қуриш учун бор-йўғи ҳажми 35 квадрат метр бўлган хона етади. Иккинчидан, бу завод учун тайёрланган ускуналар ёрдамида бир йўла сариёғ, қаймоқ, творог ёки пишлоқ сингари маҳсулотларни харидорлар учун қулай бўлган полиэтилен идишларда сотувга тайёр ҳолда чиқариш мумкин.

Бу кундан кунга кенгайиб бораётган фермер хўжаликлари учун жуда асқотади. Шунинг учун ҳам биз вилоятда бундай сутни қайта ишлаш кичик корхонасининг тезроқ ишга туширилиши тарафдоримиз.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ИШЛАТИЛАДИ

БОЗОР иқтисодиёти шароитида юзланган, ички имкониятларни ишга тушириш учун ҳаракат қилган киши ютади. Район матлубот жамияти бошқаруви ҳам ана шу йўлдан бормоқда.

Яқинда матлубот жамияти жамоаси район хўжаликларида етиштирилган 14 тонна юқори навли пилла харид қилиб олди. Бунинг учун бир ярим миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу нимага керак, деган саволнинг туғилиши табиий. Матлубот жамияти ҳом ашёни Хитой ва Японияга сотиб, ундан тушган валюта ҳисобига район ҳудудида қурилаётган кичик корхоналар учун хорижий асбоб-ускуналар харид қилмоқчи.

Фақат бугина эмас, район матлубот жамияти сўнгги пайтда кичик корхоналарни кенгайтириб бораётир. Яқинда собиқ «Гунафша» ресторанининг ошхонасига Украина республикасидан харид қилинган асбоб-ускуналарни ўрнатишга киришилди. Бу иш ниҳоясига етса, шу ернинг ўзида макарон, вермишель сингари маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлайди. Шу билан биргаликда икки юз минг сўмга хориждан сотиб олинган асбоб-ускуналарни созлаш ишлари ҳам ниҳоясига етмоқда. Бу кичик корхона ишга тушса, район аҳолиси ўзининг қандолат маҳсулотларига эга бўлади. Нима ҳам дердик, мана шундай ишбилармонлар сафи кенгаяверсин.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗДАН).

МУҲАРРИРИЯТГА МАКТУБ

ЙЎЛ ҚИЙНАЯПТИ

АНГРЕН шаҳридаги олтин саралаш фабрикасида бизнинг «Соғлом» маҳалласидан ҳам кўпчилик ишлайди. Аммо улар қишқировли кунларда, ёзда ишга боришга қийналишяпти.

Бунинг сабаби шундаки, транспорт қатнови ёмон. Агар Ангрен шаҳрининг турли кўчаларидан ишчи-хизматчиларни олиб келувчи автобуслар йўл-йўлакай бизнинг маҳаллага ҳам кириб ўтса яхши бўларди.

Ахир йўл азобидан жуда қийналиб кетдик, 8 соат ишлаш ҳам бир, йўл оворагарчилиги ҳам бир. Хуллас, бизнинг талабимизга қулоқ тутишар ва ижобий жавоб беришар деган умидда рўзнома орқали мурожаат қиляпмиз.

Ангрен олтин саралаш фабрикаси бир гуруҳ ишчи-хизматчилари номидан

ОИЛА-ОИЛА БЎЛИБ

«АНГРЕН» шўро хўжалиги деҳқонлари ўтган йили ғалла, сабзавот, мева ҳамда узум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш режасини ошириб бажариб, давлат қарзларидан қутилишган эди.

Янги йилда янада самаралироқ меҳнат қилишга ҳаракат қилаётган Иброҳим Қўчқоров, Бобур Азимов ва бошқа оила пудрати, звено пудрати асосида ишловчи деҳқонлар, ноз-неъмат бунёдкорлари шу кунларда далаларга чиқиб ариқ ва зовурларни тозаламоқдалар.

— Ҳозир бозор нархи қиммат экан, ҳалол тер тўкиб ишлашимиз, жуда сифатли қишлоқ хўжалити маҳсулотларини етиштиришимиз керак,— дейди оилавий звено бошлиғи боғбон Муҳитдин Жамолов.

Хўжаликнинг Аҳмадали Бердибоев, Аҳмадали Тошпўлатов, Эркин Мавлонов, Ўрол Аҳмедов, Усмон Бобоев, Жумабой Раҳмонов сингари ўртоқлар бошлиқ пудратчилари ҳам мўл-кўл сабзавот, қовун-тарвуз, мева етиштириш учун пухта замин яратмоқдалар.

У. ЖУРАЕВ.

ОЛМАЛИҚ ХАБАРЛАРИ

ЁШЛАР ДАВРАСИ

ЎзХДП шаҳар Кенгаши ташаббуси билан шаҳар ёшлари муаммоларига, миллий қадриятларимизни тиклашга бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечада маҳалла қўмиталари фаоллари, кўп болали оналар, корхона ва ташкилот раҳбарлари, ўқув юртлари талабалари иштирок этишди.

Қизиқарли ўтган бу кеча мазмунан бахс ва мулоҳазаларга, таклифларга бой бўлди. Йиғилганлар ёшлар муаммосини ҳал қилиш жамиятнинг энг масъулиятли ва жиддий вазифаси эканлигини таъкидладилар. Ўсиб келаётган ёш авлодни аввало ўз уйида, маҳалла ва яшаш жойларида тарбиялашни йўлга қўйиш муҳимлиги айтилди ва бундай кечалар ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Кеча сўнггида бир гуруҳ шаҳар санъаткор ёшларининг концерти бўлиб, йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

МАҲАЛЛАГА ГАЗ КЕЛДИ

ШАҲАРДАГИ 28-маҳалла аҳолисини табиий газ билан таъминлаш муаммоси ижобий ҳал этилди. Бу иш осон бўлмади, албатта. Сабаби маҳаллада қурилган уй-жойлар шаҳар режасига киритилмай келарди. Ниҳоят маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракатлари ва ижроқўмнинг қўллаб-қувватлаши натижасида бу ерда истиқомат қилаётган аҳолини газ билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Ғ. САЛИМБОЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ КУНДУЗГИ БЎЛИМЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ёшларни республика Олий ўқув юртларида ўқишга танлашда ягона давлат сиёсатини ўтказиш, жамиятнинг интеллектуал қувватини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш мақсадида, шунингдек жамоатчиликнинг истакларини эътиборга олиб:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1992/93 ўқув йилидан бошлаб тажриба тариқасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли Педагогика институтларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли университетлар тегишли соҳа (ўқитувчи кадрлар тайёрлаш билан банд бўлган) факультетларининг кундузги бўлимларига мазкур фаолият турига мойил бўлган мактаб ўқувчилари ҳамда бошқа тоифадаги ёшлардан иборат абитуриентларни синаб кўриш асосида кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, Алоқа вазирлиги мазкур тажрибани Тошкент давлат техника университетида, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида, Тошкент Автомобиль-йўл институтида, Фарғона давлат университетида, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтида, Тошкент Электр техника алоқа институтида ўтказсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:

— 10 кун муддат ичида ушбу фармонни рўёбга чиқаришга оид ташкилий чора-тадбирларни кўзда тутувчи тегишли қарор қабул қилсин;

— бир ой муддат ичида Фармоннинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган республика олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига абитуриентларни танлаш ва қабул қилиш республика марказини ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 11 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

«ИЗВЕСТИЯ» рўзномасининг 1992 йил 6 мартдаги 55-сонида А. Сичевнинг «Ўзбекистон чет элларда ўз манфаатларини ифодалашни Туркиядан сўрамоқда» сарлавҳали мақоласи эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қуйидагиларни билдириш ваколатини олган:

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги ҳар қандай журналистнинг матбуот саҳифаларида исталган масала юзасидан ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш билан бирга фактларни тўғри баён этишига умид қилишга ҳақлидир.

А. Сичевнинг мақоласида ихтиёрий ёки бенихоя тарзда камида учта ноаниқликка йўл қўйилган, ҳолислик манфаатлари йўлида шу ноаниқликларни тузатиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Муаллифнинг мақоласида қайд этилишича, Туркия Ташқи ишлар вазири Ҳ. Четин Ўзбекистонга ташрифининг натижаси «Миллий кадрлар тайёрлашда Ўзбекистонга ёрдам бериш»дан ва «Яқин вақт ичида дипломатия муносабатлари ўрнатиш ҳақида битим имзолаш»га розилик беришдангина иборат бўлган эмиш.

Ҳолбуки, айни шу ташриф чоғида 4 март куни Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлиги тўғрисидаги протокол имзоланди.

Мақоланинг сарлавҳаси музокараларнинг ва эришилган аҳдлашувларнинг мазмунини бирмунча сохталаштиради. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Туркия Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида 1992 йил 5 март куни имзоланган протоколнинг 2-моддасига биноан «Мабодо, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мурожаат этган тақдирда, Туркия элчихоналари ўзаро келишилган даврда муайян мамлакатларда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ифодалайди ва уларни ҳимоя қилади».

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг сўзларини мисол қилиб келтирганида ҳам ноаниқликка йўл қўйилган, ҳолислик манфаатлари йўлида шу ноаниқликларни тузатиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Х. Четин билан суҳбат чоғида Ўзбекистон Президенти «Биз (Туркия билан Ўзбекистон) битта парламентда ўтирадиган вақт келади» деган гапни айтгани йўқ, балки айнан қуйидаги сўзлар айтилди: «...Туркия ва Ўзбекистон парламентлари ўзларининг қўшма сессияларини ўтказадиган вақт келади». Мана шу жиҳатдаги ибора ўртасида жуда катта фарқ борлиги кўриниб турибди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Известия» рўзномасининг таҳририятига ўз ҳурматини баҳо келтиради ва Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсат соҳасидаги ишларини аниқ ёритиш борасида биргаликда куч-ғайрат сарфланишига умид билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ П. Қ. НУЪМОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Пўлат Қодирович Нўъмонов Ўзбекистон Республикаси Монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 11 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ А. Н. ИСАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Анатолий Нигматович Исаев Ўзбекистон Республикаси Монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазири вазифасидан бошқа ишга ўтганлиги сабабли озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 11 март.

ЎзХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

ЎЗБЕКИСТОН Халқ демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди.

ЎзХДП Тошкент вилоят Кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Э. М. Рўзиев Республика Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига бошлиқ этиб тайинланганлиги муносабати билан ўз вазифасидан озод этилди.

ЎзХДП Тошкент вилоят Кенгашининг иккинчи котиби бўлиб ишлаб келган У. Т. Турғунов ЎзХДП Тошкент вилоят Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда ЎзХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Пленум ишида ЎзХДП Тошкент вилоят Кенгашининг аъзоси, вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев иштирок этди.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЖАМҒАРМА БАНКЛАРИДАГИ ПУЛЛАР ЮЗ ФОИЗ КЎПАЙТИРИЛМОҚДА

УКРАИНА Президенти нархлар эркин қўйилиши билан банклардаги жамғармалар қадрсизланганлиги туфайли аҳоли кўрган зиённинг ўрнини қоплаш мақсадида фармон чиқарди. Ана шу фармонга мувофиқ жамғарма банклардаги пулларга юз фоиз қўшиб қўйилади. 1992 йил 2 январда банкда аҳолининг қанча пули бўлса ана шу жамғармалар миқдори оширилади.

ТУРКМАНИСТОНГА ЁРДАМ

БАХРЕЙН давлати ташқи ишлар вазири Туркманистонга сафар қилди. Ана шу сафар чоғида бу мамлакатлар ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. Туркманистон президенти С. Ниёзов шунингдек Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири ва Қувайт молия вазири билан ҳам учрашди. Араб давлатлари мустақил Туркманистонга катта қизиқиш билан қарамоқдалар, улар бу республика иқтисодиётини кўтариш учун пул ажратиш, қарз беришга тайёр турибдилар.

Айни вақтда Эрон Туркманистонга Эрон молларини харид қилиб олиш учун 50 миллион доллар кредит берди. Эрон экспортни ривожлантириш банки вакили хабар беришича, қўшма Эрон-Туркманистон савдо палатаси тузишга қарор қилинган.

ИШЧИ МИЛИЦИЯ ОТРЯДИ ТУЗИЛМОҚДА

ЗАПОРОЖЬЕДАГИ металлургия заводида ишчи милиция отряди тузилмоқда. Металлургларнинг жиноятчилик кун сайин кучайиб бораётганлиги сабабли ана шундай чора кўришга мажбур бўлдилар. Ишчи милицияси отряди давлат мулкини, чиқарилаётган маҳсулотларни, ишлаб чиқариш ва техник иншоотларни муҳофаза қилади, шаҳарда жамоат тартибини сақлайди.

МУҲОЛИФЛАР БИРЛАШИШДИ

РОССИЯДАГИ ҳаракатлар, партиялар, турли даража шўро депутатлари, ватанпарвар матбуот муҳаррирлари кенгаши бўлди. Унда 25 та партия, ҳаракат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашди. Кенгашда бирлашган оппозицияни тузишга қарор қилинди. Оппозициядаги ҳаракатлар кенгаши ва унинг ишчи органларини тузиш ишлари бошланиб кетди.

Қабул қилинган декларацияда 5 та принцип айтиб ўтилди. Ана шу принциплар асосида россияликларнинг ҳамкорликда иш олиб бориши зарурлиги таъкидланган. Бу аввало Ватаннинг бирлиги ва яхлитлиги учун кураш, «оқлар» ва «қизиллар» ўртасида ихтилофларга йўл қўймаслик, ўзаро сабр-тоқатли бўлиш, мамлакатнинг миллий белгига қараб янгидан бўлиниб кетишининг олдини олишдан, ижтимоий адолат, фуқаролар жамиятини тузиш ва меҳнатига қараб ҳар кимнинг фароғатини таъминлаш, чет эл мамлакатлари билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ва ниҳоят сиёсий муаммоларни ҳал қилишда конституциявий усулларга қатъий таянишдан иборат.

Бирлашган оппозиция шиорлари ҳар ким учун яқиндир, дейилади декларацияда. Булар — Адолатлилик, Халқчиллик, Давлатчилик, Ватанпарварлик.

ХОКка АЪЗО БЎЛДИЛАР

Халқаро Олимпиада Комитети (ХОК) 9 март куни Лозаннада собиқ СССР республикаларига олимпия комитетининг вақтинча аъзолари мақомини бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Шундай қилиб Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина олимпия комитетлари тан олинди. Улар шу йил ёзида Испанияда ўтадиган олимпиада ўйинларида бирлашган команда бўлиб қатнашадилар. Лекин мусобақаларнинг алоҳида турларида олимпия чемпионлари шарафига улар вакил бўлиб келган давлат байроғи кўтарилади ва гимни ижро қилинади.

(МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

• *Мутахассис билан мулоқот*

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

ОҲАНГАРОН воҳаси ўзининг қимматбаҳо, турли-туман табиий бойликлари билан қадимги вақтларда ҳам машҳур ва маълум бўлган. Оҳангарон сўзи ҳам темирчилик билан шуғулланиш маъносини билдиради. Бу ердаги сон-саноқсиз маъданларни ўзлаштириш юзасидан олиб борилган ишлар тарихи ҳам қадим замонларга бориб тақалади. Мўғуллар истилоси натижасида, ўзаро уруш-жанжаллар оқибатида харобага айланган воҳа неча-неча асрлар давомида ўзини ўнглай олмади. Фақатгина кейинги сал кам юз йил давомида уни қайтадан ўрганиш ва ўзлаштириш бошланди. У тобора кенгайиб бормоқда. Табиатнинг бу сўлим гўшасида кончилик билан боғлиқ бўлган ўнлаб корхоналар ишлаб турипти. Лекин, унинг хилма-хил эҳсонларидан мажмуий, тўла фойдаланиш ҳамон йўлга қўйилгани йўқ. Шу нуқтаи назардан ўтган йил охирларида Ангрен кўмир-каолин конида йўл-йўлакай қазиб олинадиган хом ашёлардан фойдаланиш муаммоларига бағишлаб ўтказилган республикалараро семинар-кенгаш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг уюштирувчилари қаторида «Ўзбекистон» давлат-ширкат тармоқлараро илмий-жорий қилиш маркази ҳам бор эди. Марказ директори Владимир Александрович КОЛЕСНИКОВ билан суҳбатимиз шу воҳа табиий бойликларидан мажмуий фойдаланиш муаммолари ҳақида бўлди.

— Владимир Александрович, республикалараро семинарга тайёргарлик, уни ўтказишдан кўзланган мақсад, шу мақсадга қанчалик эришилгани тўғрисида қисқача гапириб берсангиз.

— Жоним билан. Кўмир билан бирга қазиб чиқарилаётган ҳар хил хом ашёлар, биринчи навбатда оқгилдан фойдаланишда дастлабки қадамлар қўйилди. Ҳар йили бу хом ашёнинг жуда озгина, таъбир жоиз бўлса, бамисоли денгиздан томчидек қисми турли маҳсулотлар, асосан бинокорлик материаллари ва сопол буюмлар ишлаб чиқаришда қўлланилмоқда.

Оқгилдан кўпроқ ва кенгроқ фойдаланиш шу куннинг зарурати бўлиб қолди. Ҳозирча у Ангрен шаҳри яқинида тўпланмоқда. Шу томонларга борган бўлсангиз кўзингиз ҳам тушгандир, унга. Қурама тоғлари ёнида бамисоли унинг бир тармоғи сифатида ястаниб ётипти. Ўнларча километрга чўзилиб кетган бу сунъий «тепалик»нинг унча-мунча тоғдан қолишадиган жойи йўқ. Буниси ҳам майли-я, у қанча ерни эгаллаб ётганини айтмайсизми?! Минглаб гектар экин экишга ярайдиган майдонлар-ку, булар. Агар шу ерларда экин экилса ёки мевали боғлар ташкил этилса яхши эмасми? Ҳозирча бунинг иложи бўлмаяпти.

Шундай экан, нима қилиш керак? Бу муаммони ҳал қилиб бўлмайдими?

Бу дунёда ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо бўлмаса керак, деб ўйлайман. Бизнинг космос давримиздаги фан-техника тараққиёти эришган марралар шунчалик юксакки, унинг чўққиларидан туриб назар солинса, ҳар қандай масалани ҳал қилиш мумкин. Қатор корхона ва ташкилотлар уюштирган республикалараро семинар-кенгашдан кўзланган мақсад ҳам шу эди. Яъни бу ердаги турли-туман хом ашёларнинг муайян хилларидан фойдаланиш йўлларини биргаликда излаш, муҳокама қилиш. муқим бир хулосага келиш эди. Унда Ангрен оқгил-кўмир конида йўл-йўлакай қазиб чиқарилаётган хом ашё, у билан бирга махсус кўмир, электр станцияларида ҳосил бўлаётган кул, кулшлаклари, фосфоганч ва бошқа чиқиндиларида 1991—1995 йилларда ва 2005 йилгача бўлган истиқболда давлат ва тадбиркорлар корхоналари кучи билан фойдаланиш бўйича давлатлараро дастурни амалий рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган масалалар қизғин мунозаралар марказида турди.

Семинар-кенгашда собиқ СССРнинг иттифоқчи республикалари, ҳозир эса мустақил бўлган давлатлардан вакиллар кўп қатнашди.

Биргина Россия федерациясининг ўнга яқин шаҳарларидаги турли илмий-тадқиқот илмгоҳлари вакиллари қўйилган масалани муҳокама қилишда фаол иштирок этдилар. Ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Украинадан, Қозоғистон ва Озарбайжон, Грузия ва Эстония, Ўзбекистоннинг кўплаб корхоналари, илмий-тадқиқот илмгоҳлари, лойиҳалаш муассасалари, қурилиш ташкилотлари вакиллари ҳам қатнашдилар. Ўнлаб маърузалар тингланди, йўл-йўлакай қазиб олинаётган хом ашёдан тайёрланадиган маҳсулотлар намуналари намойиш қилинди. Семинар-кенгашда бу соҳадаги ишларни кучайтиришга ёрдам берадиган тавсияномалар ишлаб чиқилди.

Эндиликда енг шимариб уни амалга оширишга киришиш, яъни гапдан амалиётга ўтиш лозим. Барча ишларни мувофиқлаштириш эса бизнинг марказимиз зиммасига юклатилди. Бу жамоамиз учун катта шараф.

— Владимир Александрович, Ангрен оқгил-кўмир конидан мажмуий фойдаланиш бўйича давлатлараро дастур қачон ва ким томонидан ишлаб чиқилган эди?

— Давлатлараро бу дастурни марказимиз жамоаси ишлаб чиққан эди. Албатта, бу ишда қатор алоқадор корхоналар, ташкилотлар, муассасалар билан ҳамкорлик қилинди, мутахассисларнинг қимматли фикр-мулоҳазалари, таклифлари инобатга олинди.

Дастурни кучга киритиш учун у республика ҳукумати ҳукмига ҳавола қилинди. Бу ерда обдон ўрганилиб, унинг ҳар томонлама асосли эканлигига қаноат ҳосил қилингач маъқул, деб топилди. Унда кондан йўл-йўлакай қазиб чиқариладиган хом ашёлар ҳамда қайта ишлашдан пайдо бўладиган чиқиндилар, жумладан, кул, шлак, фосфоганч ва бошқалардан қатор маҳсулот турлари, чунончи цемент ва бофборвчи, ғовакли маҳсулотлар, тўлдиргичлар, ғишт, сопол, чинни-фаянс буюмлари тайёрлаш назарда тутилган эди.

Бу соҳада белгиланган ишларнинг фақат шулар билангина чеклаб қўйиш мумкин эмас, албатта. Уларни амалга ошириш ҳатто Оролни сақлаб қолиш, тегишли инфраструктураси билан уйжой дастурларини амалга оширишга ҳам хизмат қилади.

Собиқ СССР Давлат план комиссиясининг бундан беш йил илгари қабул қилган қарорида бу ердаги хом ашёлар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан мажмуий фойдаланишни техникавий-иқтисодий асослаш, жумладан, оқгилни майдалаш-саралаш фабрикасини 1990 йил охиригача қуриш тадбирлари белгиланган эди. Бироқ нисбатан кичикроқ бўлган бу ишлар ҳажми ҳам бажарилмай барбод этилди. Техник-иқтисодий асослашни ишлаб чиқмаслик ташлаб юборилаётган хом ашёлардан фойдаланишга нодавлат инвесторларини жалб қилишнинг имконини бермайди. Бу ҳозирнинг ўзидаёқ республикамизга катта зарар келтирди. Ўша вақтда цемент заводи қурилиши учун собиқ СССР кўмир саноати вазирлиги 220 миллион сўм ажратган эди. Лекин иш юришмагач, вазирлик бу маблағни Қирғизистонга бериб юборди. Ваҳоланки, маҳаллий хом ашё ва чиқиндилар асосида ишлайдиган цемент заводи республикамиз учун сув ва ҳаводек зарур эди. Цемент ва бинокорлик материаллари ташқаридан ҳамон кўплаб олиб келинаётганда шундай ажойиб имкониятнинг қўлдан бой берилганлигини кечириб бўлмайди.

Шу ерда яна бир муҳим масала ҳақида тўхталмоқчиман. Ҳозирги вақтда ҳосилдор ерларнинг ҳар бир гектарини кўз қорачиғидек сақлаш талаб қилинмоқда. Бунинг сабаби маълум. Чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларига талаб тобора ошиб бормоқда. Уни қондириш мавжуд ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Амалда ҳамма вақт ҳам бунга тўла риоя қилинмаяпти. Махсус давлат дастури баҳона ҳар йили ўнларча минг гектар ҳосилдор ерлар талон-торож қилинмоқда. Чунончи жамоа ва давлат хўжаликлари ғишт, цемент заводлари ва бошқа корхоналар қуриш учун кўплаб экин экиладиган майдонларни ўзлаштирмоқдалар. Бу билан асрлар давомида таркиб топган тупроқнинг ҳосил берадиган қатлами — гумус йўқ қилиб юборилмоқда, табиийки, бундай майдонларда экин экиб ҳосил олиб бўлмайди.

— Шундай экан, бундай талон-торожликка барҳам бериш йўли борми? Шу ҳақда нималар дея оласиз?

— Марказимиз жамоаси ишлаб чиққан концепция бу муҳим ишга хизмат қилади. Унда Ангрен кўмир-каолини билан йўл-йўлакай қазиб олинаётган хом ашёлар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш механизми аниқ-равшан кўрсатилган. Бу концепцияни ишлаб чиқиш учун ўнларча минг сўм маблағ сарфладик ўз ёнимиздан. Унда ҳар йили 50 миллион тонна ҳажмида отвалга ташланиб, йўқ қилинаётган хом ашёлардан фойдаланиш мумкинлиги асослаб берилган.

Улардан фойдаланиш эса ҳосилдор ерларни турли хил бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш учун ажратишга хотима берган бўлади.

Концепциянинг асосий моддалари республикамиз ҳукуматида вазирликлар, идоралар ва корхоналар вакиллари иштирокида салкам икки йил илгари ўтказилган кенгашда маъқулланган эди. Унда хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини мавжуд ҳамда қуриладиган янги корхоналарда қайта ишлаш ёки ишлатиш мумкинлиги аниқ кўрсатиб берилганди. Мутахассисларнинг қатъий фикрича, бу хом ашёларни минг километр масофага ташиш ҳам мумкин. Уларни ҳатто Оролбўйи, Мирзачўл, тоғли районларнинг шўрхок маҳаллий хом ашёлари билан қўшиб фойдаланса ҳам бўлади. Бу ҳақда республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ўтган йилнинг ноябрида ахборот берган эдим.

— Концепцияни амалга ошириш ишлари қачон бошланади?

— Уни рўёбга чиқариш йўлида дастлабки қадамлар қўйилмоқда, деб айтиш мумкин. Бу осон бўлмаяпти. Марказимиз бу масалада хўжалик юритишнинг янги механизмини ишлаб чиқди. Биз уни амалга оширишда Ўрта Осиё «Прогресс» саноат кордомонлар уюшмаси билан ҳамкорлик қиламиз. Бу уюшма Ангрен каолин-кўмир кони хом ашёлари, иккиламчи ресурслар ҳамда қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ерлардан маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёларни қайта ишлаш учун корхоналар қуриш ишларини бутун мажмуини, бинокорлик материаллари, халқ истеъмоли моллари, бошқа камёб маҳсулотлар, шунингдек уюшма-ширкат-давлат негизида озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш учун барпо этилди.

Қатор вазирликлар, идоралар, уюшмалар бу хом ашёлардан фойдаланишни йўлга қўйиш учун маблағ ажратишлари муносабати билан марказимиз Ўрта Осиё регионида корхоналар ташкил этишга қаратилган ишларни олиб бормоқда. Шу ерда қўлимизни тутаётган бир муаммо бор, у ҳам бўлса база корхонасини жойлаштириш ҳақидаги масаланинг ҳал бўлиши судралаётганидир.

Экология талаблари ҳисобга олинадиган бўлса бундай корхонани Ангреннинг ўзида қуриш мумкин эмас. Шунинг учун биз вазиятни синчиклаб ўрганган кейин уни Янги Ангрен давлат район электр станцияси ёки Оҳангарон заҳарли кимёвий моддалар базаси яқинида қуришни таклиф этдик. Бу база белгиланган мақсад учун фойдаланилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Франциядаги бу федерация мингга яқин шаҳарни, шу жумладан собиқ ССР Иттифоқидаги 70 дан ортиқ шаҳарни бирлаштиради. Бу ташкилотга аъзо бўлиш мустақил республикамизга Ўзбекистоннинг ҳамма шаҳарлари маданиятини кўтаришга ёрдам қилади. Чунки мазкур ташкилотнинг вазифалари алоҳида шаҳарлар ўртасида алоқаларни таъминлаш ва кенгайтириш йўли билан иқтисодий, тил, дини, шунингдек сиёсий тузумидан қатъий назар халқларнинг бир-бирини тушунишига ёрдамлашишдир.

МДҲ аъзоларининг 70 дан ортиқ шаҳари ер юзининг турли районлари-

ХАЛҚ ИЖОДИЁТИНИНГ ТАРҒИБОТЧИСИ

Деҳқон оиласидан чиққан олим Сидиқ Асқаровнинг ҳаёт йўли ўзи каби кўпгина зиёкорларникига ўхшаш. У 1922 йилнинг баҳорида Қибрай районидаги «Маданият» колхозида таваллуд топди. Болалиги ана шу жамоадаги Ёнариқ қишлоғида ўтди. Сидиқ бу ерда бошланғич маълумот олгач, кейин пойтахтимизнинг Октябрь ноҳиясидаги етти йиллик мактабни тугатди. У авваллари педагогика билим юртида, сўнгра Низомий номли Тошкент Давлат педагогика илмгоҳида ўқиди. Диплом олгач, ёш мутахассис ўз истеъдодини Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги тил ва адабиёт илмгоҳи аспирантурасида синаб кўрди. Танловдан муваффақиятли ўтиб, аспирантликка қабул қилинди. Бу ерда бағри кенг олим, академик-ёзувчи Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек унга мураббий сифатида катта ғамхўрлик кўрсатди. У Сидиқ Асқаровда халқ оғзаки ижодига меҳр уйғотди ва шогирдини ана шу борада тадқиқот ишига жалб этди. Илмга астойдил берилган аспирант меҳнати зое кетмади. У 1986 йили «Ўзбек совет шеърияти ва фольклор» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. Сўнгра академия қошидаги Алишер Навоий музейида, (ҳозирги Ҳамид Сулаймон номидаги қўлёзмалар илмий тадқиқот билимгоҳида) иш бошлади. Музейда унинг фаоллиги янада ортди. Рўзномаларда турли мақолалари билан қатнашиб турди. Фольклор асарларини нашрга тайёрлашда қатнашди. Қатор илмий мақолалари, рисолалари чоп этилди.

Бахшилар билан кўпроқ мулоқотда бўлди. Улардан термалар ва бошқа бир қатор достонларни ёзиб олди. Бу достонлар кейинчалик нашрга тайёрланди ва китоб ҳолида Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди. Бундан ташқари, Ислом шоирдан ёзиб олинган 54 босма тобоқли ҳажмдаги термалар ва қўшиқлар, достонлардан кўпчилиги танланган асарларда, рўзномаларда берилди. С. Асқаров фольклор ва ёзма адабиётнинг ўзаро алоқаларига оид муҳим муаммолар билан боғлиқ қатор турли мавзудаги мақолаларнинг ҳам муаллифидир. Унинг «Замонани куйлаб» монографиясидан ташқари, Алишер Навоий ҳақидаги «Навоий куллиёти», «Навоий ва Гули», «Навоий ва фольклор», Халқ шоири академик Ғ. Ғулом билан ҳамкорликда ёзилган «Навоий ва замонамиз» каби мақолалари, фольклоршунослик доир «Инқилоб куйчиси», «Ислом шоир Назар ўғли», «Батракларнинг бахти», «Халқ шоири», Гулдаста» кабилар шулар жумласидандир. Унинг «Донолар бисотидан» (халқ мақоллари), шунингдек, «Шайбонийхон тарихий халқ достони», «Халқ оғзаки ижодида воқеалилик», «Ҳамза ва фольклор», «Майсаранинг иши комедиясида фольклор мотивлари», «Абдулла Қодирий ижодида фольклорнинг баъзи проблемалари», «Ғулом Зафарий ижодининг халқчиллиги» ҳамда «Халқ оғзаки ижодида маънавий бойлигимиз» мавзуидаги муҳим илмий-муаммоли масалаларга бағишланган изланишлари ҳам фаолиятида салмоқли ўрин тутади.

С. Асқаров илмий ходимлик йилларида республикамизнинг турли район, қишлоқ ва овулларида неча бор бўлиб, ўша жойларда яшовчи донолар бисотидан қўшиқ, эртак, мақол, масалаларни ёзиб олиш ва айримларини ёзиб магнитофон тасмасига тушириш ташаббускори бўлди. Қашқадарёлик Чори бахши Хўжамберди ўғлидан «Алпомиш» ва «Гўр ўғли» туркум достонларидан «Эрка қиз», «Маҳмудхон полвон», «Дилором» сингари замонавий достон ва термаларни ёзиб олди. Деновлик Эшмурод ва Тошмурод бахшилардан, қашқадарёлик Ражаб бобо Нормурод ўғли, Раҳим Қодир ўғлидан, Шаҳрисабзлик Зоҳир шоир Қўчқор ўғли ижодидан 40 дан ортиқ замонавий достон, терма, қўшиқ, мақол ва ҳикматлар тўплади. Устоз бахшилар Абдулла Нурали, Ислом шоир ва бошқалар ҳақида қатор хотиралар ва эсдаликлар ёзиб олди. Олимнинг турли бахшилардан ҳамда ҳар хил касб эгалари — шахтёрлар, чўпонлар, деҳқонлардан ёзиб олган достон, терма, қўшиқ ва эртакларининг ҳаммаси қўлёзмалар институти ҳамда адабиётшунослик институти фольклор архиви жамғармасида Давлат мулки сифатида сақланмоқда. Улар бебаҳо маънавий меросимиздир.

Сидиқ Асқаров кўп йиллар давомида илмий-педагогик иш олиб борди. Яқинда заҳматкаш олим етмишга тўлди. У ҳамон тетик ва изланишда. Ҳозир ҳам халқ орасида яшаётган бахшилар билан ижодий учрашувлар уюштириб келмоқда.

Биз мана шу қутлуғ дамларда халқ маорифи аълочиси, филология фанлари номзоди, доцент, меҳнат фахрийси Сидиқ Асқаровга узоқ умр, саломатлик, илмий педагогик фаолиятида улкан ютуқлар тилаймиз.

Насиба ФАЙЗИЕВА, Алишер Навоий номли Адабиёт музейининг илмий ходими.





Қибрай ноҳиясидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги илғор деҳқонларидан Маъмура Эргашева (чапда), Каримахон Бадалхўжаева карам кўчатининг сифатини кўздан кечирмоқдалар (юқорида).

Боғбон М. Химатов дарахтга шакл бермоқда; бригада бошлиғи А. Каримов (ўнгда), тафтишчи Р. Ёқубов билан, (пастдаги сурат).

Суратказ Н. Муҳаммаджонов.



• *Республикамиз халқаро ташкилотларга аъзо бўлмоқда* •

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН

БМТга аъзолик БМТ Уставига мувофиқ биринчи аъзо бўлган ва қўшилган давлатларга бўлинади. Биринчи аъзо бўлган давлатлар 1945 йили Сан-Франциско шаҳридаги таъсис конференциясида қатнашган 51 та давлатдир. Қўшилиб аъзо бўлган давлатлар 108 тадир, БМТнинг деярли ҳамма сессияларида янгидан-янги давлатлар қўшилмоқда. Ҳозирги вақтда БМТ аъзоси бўлган мамлакатлар 175 тага етди (1992 йил 2 мартда).

БМТ аъзолигига қўшилган давлатларга халқаро майдонда пайдо бўлган янги давлатлар киради. Улар орасида МДҲ аъзолари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳам бор.

БМТ Устави 4-моддасининг 1-бандига мувофиқ мазкур Уставдаги мажбуриятларни қабул қилган ва БМТ фикрича бу мажбуриятларни бажара оладиган ва бажаришни истаётган бошқа ҳамма давлатлар учун БМТ аъзолигига қабул қилиниш очиб қўйилган.

Бу мажбурият, талаб ва шартлар қуйидагилардан иборат.

1. БМТга қабул қилиш тўғрисидаги биринчи шарт, талаб (асосий белги сифатида) давлатнинг мавжудлиги.

2. Иккинчи шарт шуки, бу давлатлар тинчликсевар давлат бўлиши керак.

3. Улар БМТ уставида баён қилинган мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар.

4. Бу мажбуриятларни бажара олишлари мумкин.

5. Бу мажбуриятларни бажаришни истайдилар.

Биринчи шарт — давлатчилик талаби ҳисобланиб, бу **давлат** эркин бошқарилиши керак, яъни у мустақиллик хусусиятига эга бўлиши керак.

Республика Олий Кенгаши 1990 йил 20 июнда қабул қилган Декларацияга мувофиқ Ўзбекистон суверен деб эълон қилинди; 1991 йил 31 августда-рендумда якдиллик билан овоз бердилар.

БМТга фақат «тинчликсевар» мамлакатлар қабул қилиниши мумкинлиги тўғрисидаги талаб 1943 йили киритилган эди. Ўзбекистон собиқ ССР Иттифоқи таркибида тинчликсевар давлат бўлиб келган эди, МДҲ таркибида ҳам шундай бўлиб қолади.

БМТ аъзолигига қабул қилинаётганда давлат БМТ Уставидан келиб чиқувчи мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак. Бу шарт ва талаблар шубҳасиз катта аҳамиятга эга. Негаки БМТ роли ва самарадорлигини ошириш учун унга кираётган давлатлар БМТ мақсадлари ва қоидалари учун курашишни ўз зиммаларига олишлари муҳимдир.

Ҳар қандай давлатни БМТ аъзолигига қабул қилиш Хавфсизлик Кенгаши тавсиясига кўра, Бош Ассамблея қарори билан амалга оширилади. Бинобарин юқоридаги шартлар амалда бўлган тақдирда ҳам қабул қилиш тўғрисидаги узил-кесил қарорни Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблея чиқаради.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши 1992 йил 25 январда Қозоғистон Республикасини БМТ аъзолигига қабул қилишни овозга қўймай БМТ Бош Ассамблеясига тавсия қилди, Ўзбекистон, Арманистон, Қирғизистон, Тожикистоннинг илтимосларини эса БМТ янги аъзоларини қабул қилувчи ўз қўмитаси муҳокамасига топширди, бу қўмита овозга қўймасдан шу йил 29 февраль куни ижобий қарор чиқарди, яъни уларни БМТга қабул қилишни тавсия этди. Кўп ўтмай собиқ бешала иттифоқчи республикалар Бош Ассамблеянинг 46-сессиясида БМТга қабул қилиндилар.

Халқаро ҳамжамиятга кирган мустақил Ўзбекистонни ҳозир юздан ортиқ давлат тан олиб, биз билан дипломатик ва консуллик алоқалари ўрнатишни таклиф қилмоқдалар. Республикага дунёнинг ҳамма чеккасидан табрик телеграммалари келиб турибди.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг бошқа халқаро ташкилотларига ҳам қабул қилинади.

1992 йил 16 февралда Эрон Ислом республикаси пойтахти Теҳронда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти қатнашчилари бўлган мамлакатлар раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Маълумки, бу ташкилотга 1985 йили Эрон, Туркия ва Покистон томонидан асос солинган эди. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти кенгаши ишида биринчи марта шу ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида Озарбайжон, Туркманистон, Ўзбекистон делегациялари қатнашдилар. Кенгашда шунингдек Тожикистон, Қирғизистон ташкилотга аъзо қилиб олинди, Қозоғистон делегацияси кузатувчи сифатида ҳозир бўлди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши аъзолигига қабул қилинди. Финляндия пойтахтида МДҲга кирувчи бошқа давлатлар раҳбарлари билан бирга Ўзбекистон Президенти И. Каримов ҳам Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Якунловчи актига имзо чекишда қатнашди. 1975 йил августида имзоланган бу шартнома Европа қитъасидагина эмас, балки бутун ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларига риоя қилишга қаратилган эди. Уни шунингдек АҚШ, Канада, Туркия давлат бошлиқлари имзолаганлар.

Ўзбекистон Республикаси Якунловчи ҳужжатга имзо чеккандан сўнг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолди. Ўзбекистон олдида катта халқаро иштиқоблар очилди.

Мустақил давлат сифатида республикамиз жуда кўпгина халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиб қолишига интиламиз. Бу ташкилотлар 500 дан ортиқдир. Улар орасида 110 дан ортиқ сиёсий, мафкуравий, ижтимоий халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар, юзга яқин касаба уюшма ташкилотлари, 50 га яқин ёшлар ташкилотлари, 60 га яқин аёллар ташкилотлари ва болалик ҳамда оилани муҳофаза қилиш ташкилотлари, 100 га яқин илмий ташкилотлар, матбуот, радио, телевидение ва кино соҳасидаги 100 га яқин маданий-маърифий ташкилотлар бор.

Ўзбекистон парламентлар Бош котиблари ассоциацияси аъзоси бўлиши мумкин, аслида бу ташкилот Парламентлараро уюшма филиали ҳисобланади. Ассоциация ўз сафида 60 мамлакатдан юздан ортиқ аъзони бирлаштирган, шу жумладан собиқ ССР Иттифоқидан ҳам аъзолар бор. Эндиликда бизнингча Ўзбекистон ана шу Ассоциация аъзоси бўлиши керак. Чунки унинг мақсади Парламентлараро Уюшма аъзоларини бўлган мамлакатлар олий парламент амалдорлари ўртасида ҳам, бу уюшмага аъзо бўлмаган мамлакатлар олий парламент амалдорлари ўртасида ҳам шахсий алоқалар ўрнатилишига кўмаклашишдан иборат. Ҳар бир давлатдан кўпи билан икки олий парламент амалдори аъзо бўлиши мумкин. Ассоциация қароргоҳи Гаагададир.

Ўзбекистон Республикаси биродарлашган шаҳарлар Жаҳон федерацияси аъзоси бўлиб қолса ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди. Франциядаги бу федерация мингга яқин шаҳарни, шу жумладан собиқ ССР Иттифоқидаги 70 дан ортиқ шаҳарни бирлаштиради. Бу ташкилотга аъзо бўлиш мустақил республикамизга Ўзбекистоннинг ҳамма шаҳарлари маданиятини кўтаришга ёрдам қилади. Чунки мазкур ташкилотнинг вазифалари алоҳида шаҳарлар ўртасида алоқаларни таъминлаш ва кенгайтириш йўли билан иқтисодий, тил, дини, шунингдек сиёсий тузумидан қатъий назар халқларнинг бир-бирини тушунишига ёрдамлашишдир.

МДҲ аъзоларининг 70 дан ортиқ шаҳари ер юзининг турли районлари-

● *Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисидаги Қонуни қандай бажарилмоқда?*

ТАКЛИФЛАР СЕРОБ, АМАЛИЁТ-ЧИ?



ОЗОДЛИК ОБИДАСИ У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

«Мусулмончилик - астачилик!» деган нақл бор. Дарҳақиқат, ислом таълимотида шошма-шошарлик салбий баҳоланади. Аммо ислом таълимоти бу давлат сиёсати дегани эмас. Ҳатто буюк соҳибқирон Амир Темур ҳам бутун вужуди билан ислом дини равнақи йўлида кўплаб эътиборга молик ишларни амалга оширган бўлса-да, ҳокимият тузими ва бошқарув сиёсатида бошқа бир усул — «Ясоқ»-қа мувофиқ иш юритган. Хўш, бу билан нима демоқчиман? Бундай фикрларни айтишдан мақсад шуки, сўз ва амалиёт бирлигини таъминлайлик. Чунончи, ҳозирги кунда тарихий ҳақиқатларни тиклаб, ўзлигимиз сари интилмоқдамиз. Ҳатто «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунимизнинг бир бандида жумҳуриятдаги тарихий шахслар исми ва жой номлари халқ мулки ҳисобланиб, давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб ҳам қўйилган. Амалда-чи? Тан олиш керакки, каттакатта минбарларда «аждодларимиз ундоқ буюк эди, бундоқ фозил эди, уларнинг руҳи қўлласин» қабилида ваъз ўқиб, кўксимизга мушт уришдан чарчамаймиз. Лекин амалда эса ўша буюк саркардаю алломалар хотирасини етарли эъзозлашга журъат тополмаймиз. Биргина мисол: ТОШКЕНТ—Ўзбекистоннинг юраги. Аммо пойтахтда Амир Темур номи билан боғлиқ кўча ё истироҳат боғи, хиёбон, туман ё метро бекати борми? Ҳайкал-чи? Пойтахт кўчаларидан юриб юраги эзилади одамнинг. На Мирзо Улуғбек, на Мавлоно Лутфий, на Бобур, на Нодирабегим... хотирасига бирор ҳайкал у ёқда турсин, лоақал бюст ҳам ўрната олмаганмиз. Бунинг акси ўлароқ она заминимизга алоқаси йўқ кимсаларнинг ёдгорликлари савлат тўкиб турибди. Қани бу ерда мантиқ?

Жумҳуриятимиз мустақил деб эълон қилинди. Пойтахтдаги бош майдон Мустақиллик номини олди. Айнан ўша ерда «Озодлик» обидаси тикланиши маълум қилинди. Бўлажак обида хусусида одамлар фикри ўрганилмоқда. Ким қандай мулоҳазадалигини билмадиму, аммо мен қуйидагича таклифни билдирмоқчиман:

1. Аввало бош майдонни «Мустақиллик» номи билан аташ мантиқан нотўғри. Чунки мустақиллик бутун Ўзбекистонга тегишли. Уни битта майдон ва метро бекати билан чеклаш мантиқсизликдир.

2. Мазкур майдонга ўрнатиладиган «Озодлик» обидаси тимсолида мен улуғ соҳибқирон Амир Темур сиймосини кўраман. Чунки у зоти шариф шарофати билан нафақат бизнинг юртимиз, балки кўплаб ўлкалар чингизийлар асоратидан озод бўлганлар. Айнан Темурийлар даври юртимизнинг энг гуллаб-яшнаган давридир. Тарихий ҳақиқатга амал қилинадиган бўлса, бош майдонда соҳибқирон Амир Темурнинг (тагсупаси билан камида 40 метрлик) ҳайкали ўрнатилиши керак;

3. Майдон ва метронинг «Мустақиллик» номи ҳам ўзгартирилиб, Амир Темур исми билан юритилиши лозим.

4. Бош майдонга туташ «Ленин кўчаси»га ҳам соҳибқироннинг табаррук номи берилса тўғри бўларди.

5. Айнан бош майдонга яқин бўлган «Правда газетаси», «Правда Востока газетаси», Киров, 1-май, Пролетар, Куйбишев, Пушкин, Энгельс кўчаларининг номлари ҳам тезроқ ўзгартирилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Ана шу кўчаларга Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Камолота Турк каби ва бошқа буюк аждодларимиз номи берилса, айни муддаодир. Шунингдек, Фаробий, Алихонтўра Соғуний, Ш. Рашидовнинг номлари абадийлаштирилишини ҳам халқ кутмоқда. Октябрь ноҳияси «Фаробий кўчаси»нинг тарихий «Чиғатой» атамаси тикланса; катта ва гавжум кўчалардан бири Ҳўжа Аҳрор Вали исми билан юритилса, деган таклифимиз бор. Бундан ташқари, Энгельс кўчасига Абдулҳамид Чўлпон номи берилиб, (Ҳамза туманидаги — шаҳарнинг бир чеккасида жойлашган) «Чўлпон кўчаси» Сўфи Оллоёр номини олса, тўғри бўларди, деб ҳисоблаймиз. Инқилоб ҳиёбонини ҳам мустақил давлат вакили сифатида маълумот берилиши сўралганди.

Тан олиш керакки, **Тбилиси, Киев, Боку, Москва** шаҳар ижроқўмларидан келган жавоблардан маълум бўлишича бу **шаҳарларда кўпи билан учтагача кўча ўзбек алломалари ёки атамаларидан иборат экан.** Лекин биротасида бизнинг халққа тааллуқли ёдгорлик ўрнатилмаган экан. **Одесса, Челябинск, Омск, Томск, Кишинев, Таллин каби шаҳарлардан эса** «бизда сизни қизиқтирган маълумотлар йўқ» деган жавобни олгандим.

Тошкентдаги ўнлаб кўчалар номи **Омск, Одесса, Кишинев каби атамаларда,** ёдгорликлар ҳам **Горький, Пушкин, Гоголь, «14 комиссар»...,** ноҳияларимиз **Фрунзе, Куйбишев, Киров** деб аталади. Бу ўринда изоҳга ҳожат йўқ.

Хулоса ўрнида, яна юқорида зикр этилган аниқ таклифларга қайтмоқчиман. Бу таклифларнинг кўриб чиқилишини истар эдик. Гап фақатгина ўзгариш ёки ҳайкал ўрнатиш хусусида эмас, балки миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш ҳақида кетаяпти.

«СУТ БИЛАН КИРГАН»МИ?

Модомики сўзимиз «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун амалиёти хусусида экан, яна айрим мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтиш жоиз.

1991 йил 31 август куни жумҳуриятимиз мустақиллиги эълон қилинди. Аммо пойтахт ва унинг вилоятидаги кўплаб ҳудудларда «эски ҳаммом, эски тос» вақтидаги шиорлар, ҳатто амалий иш кўришлар ҳануз давом этмоқда. Бундай кўнгилхираликни истаганча кўриш, деярли ҳар қадамда, унга дуч келиш мумкин. Ушбуга илова қилинаётган сурат-лавҳалар вилоятимиз ва пойтахтимиздаги жойларда тасвирга туширилган. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бу шиорлар ортида бошқа маънога дуч келиш аниқ. Яъни, жойлардаги кўплаб мутасаддилар кўксида на ўзбекона ғурур, на миллий эътиқод йўқлигидан, ҳар бир ҳарфи одам бўйидек шиорларни кўрганда лоқайдгина (балки ҳомуза тортиб) ўтиб кетсалар керак. **Хўш, бу лоқайдлик қачонгача давом этади? Қачонгача субутсизлик қиламиз?**

Дилмурод САИДОВ.

Ушбу суратларга тагсўз ёзиб, изоҳлаб ўтирмаймиз. Уларда биз кўтараётган масалага бўлган муносабат ўзўзидан кўриниб турибди.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● **ЎТГАН** сешанба куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги ўн жумҳурият Шимолий Атлантика Ҳамкорлик Кенгаши аъзолигига қабул қилинди. Куни кеча душман иттифоқ ҳисобланган НАТОга яқинлашиш хусусида гап борар экан, собиқ СССР жумҳуриятларини ШАҲК аъзолигига қабул қилиниши халқаро миқёсда ҳар ҳолда диққатга сазовор воқеа бўлди.

МДҲ давлатларини ШАҲК аъзолигига қабул қилиш маросими НАТОнинг Брюсселдаги бош қароргоҳида бўлиб ўтди. Унда Россия, Украина, Арманистон, Озарбайжон, Молдова, Туркманистон ташқи ишлар вазирлари, шунингдек, Беларусь, Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари ҳозир бўлдилар. Қирғизистон масаласига келганда эса ғалати воқеа содир бўлди. Унинг манфаатлари Россиянинг Люксембургдаги элчиси Ч. Айтматов тимсолида изҳор этилди. Қозоғистон билан Тожикистон эса ўз манфаатларини Россияга топшириб, мазкур маросимда иштирок этмадилар.

● **ТАЙВАНЬ** қуролли кучлари биринчи марта ўзларида ишлаб чиқарилган қирувчи реактив ҳарбий тайёраларга эга бўлдилар. Вашингтон саксонинчи йиллар бошида ўзининг асосий дипломатик эътиборини Пекинга қаратганидан сўнг Тайванда янги тайёра яратиш ишлари бошлаб юборилган эди.

● **ЎТГАН** душанба куни Белградда Муқаддас Сава ибодатхонаси майдонида Бирлашган оппозицияга кирган кучлар жуда катта митинг уюштирдилар. Улар Сербиянинг ҳозирги раҳбарияти ташқи ва ички сиёсатидан норозилик билдириб, унинг истеъфога чиқишини талаб қилдилар. Бирлашган демократик оппозиция раҳнамолари халқ номидан жумҳурият раҳбариятига қуйидаги асосий талабларни қўйдилар: президент истеъфо бериши керак; Скупшчинага янги сайловлар ўтказилиши лозим; янги конституция қабул қилиниши керак; матбуот, радио ва телевиденнега ҳақиқий эркинлик берилсин; давлат цензураси ва оммавий ахборот воситалари таркибидаги сиёсий комиссарлар даф этилсин... Сербия тикланиш ҳаракати раиси Вук Драшкович ҳокимият юқоридаги талабларни қабул қилмайдиган бўлса, оппозиция мамлакатни умумий иш ташлашга чақиради, деб таҳдид қилди.

● **КУНИ** кеча Африкадаги кичик мамлакат Сан-Томе ва Принсипи пойтахтида португалзабон мамлакатлардан бўлган Ангола, Мозамбик, Гвинея-Бисау, Кабо Верде ороллари, Сан-Томе ва Принсипи президентларининг учрашуви бошланди. Унда марксистик ғоялардан воз кечиш ва ривожланишнинг ҳақиқий демократик йўлига ўтиш масалаларини муҳокама этилмоқда. Шарҳчилар, собиқ СССРнинг нураши, Оврўподаги қатор социалистик тузумларнинг йўқ бўлиши, Ангола раҳбариятининг қуролли оппозиция УНИТА билан шартнома тузиши Африка қитъасидаги давлатларда коммунистик ғояларнинг инқирозига олиб келди, деб ҳисобламоқдалар.

● **ЯПОНИЯ** Вазирлар Маҳкамасида собиқ СССР жумҳуриятлари — Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Ўзбекистонга уларнинг иқтисодий ривожланиши учун расман ёрдам бериш тадбирлари қизғин ўрганилмоқда. Ўрта Осиё жумҳуриятларининг мустақилликка эришганлиги, иқтисодий тараққиёт даражасида уларнинг ҳали унчалик катта бўлмаган имкониятлари Япония ҳукуматини уларга ёрдам қўлини чўзишга ундамоқда. Япония наздида мазкур жумҳуриятлар «энди тараққий этаётган мамлакатлар» мақомида турипти-лар.

● **ИСРОИЛ** томонидан босиб олинган Фаластин ҳудудларида босқинчилар билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги тўқнашувлар ҳамон давом этмоқда. Душанба куни ана шундай тўқнашувларнинг бирида Исроил ҳарбий хизматчилари бир фаластинликни отиб ташладилар, беш кишини эса жароҳатлантирдилар. Бу воқеа Асират Ал-Қиблия қишлоғида ва Иордан дарёси ғарбий соҳилидаги қочоқларнинг Арруб қўналғасида бўлиб ўтди.

● **РИТА — ТАСС** мухбири Париждан хабар берди: **Франция пойтахти судтерговчиси Жан-Лун Брюгьер Фаластиндаги Абу Нидол раҳбарлигидаги гуруҳнинг тўрт нафар аъзосини қамоққа олиш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекди.** Мазкур гуруҳ аъзолари 1988 йил июль ойида Грециянинг «Сити Оф Порос» йўловчи ташиғиган кемасида газандалик ҳаракатн уюштиришда расмий равишда айбландилар. Ўша пайтда сайёҳлар тушган кемага жангарилар гуруҳи ҳужуми натижасида тўққиз йўловчи, шу жумладан, уч нафар Франция фуқароси ўлган бўлиб, саксон киши қаттиқ жароҳат олган эди.

Абу Нидол гуруҳи ўша кемага қилинган ҳужум учун жавобгар эканлигини ҳеч қачон расмий равишда билдирган эмас эди. Эндиликда эса парижлик терговчининг юқоридаги қарори мазкур газандалик гуруҳи учун айбни шу ташкилотга биринчи марта адлиявий равишда юкламоқда.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

«ОРЗУ»НИНГ БИРИНЧИ КОНЦЕРТИ

Янгийўл ноҳиясидаги «СССР 60 йиллиги» жамоа хўжалигида туғилиб ўсган Соқибой Тугалов маданиятга, санъатга ишқи баланд, иқтидорли санъаткор бўлиб етишди. У хўжалик бадиий ҳаваскорларидан «Орзу» миллий дастасини тузди. Дастага ўндан зиёд ҳаваскорларни жалб қилди.

Даста аъзолари илк мусиқий чиқишларини баҳолашни ўз хўжаликлари аҳолиси ҳукмига ҳавола этдилар. Йиллик ҳисобот йиғилишида намойиш этилган дастлабки концерт дастури кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди.

Л. ИНОҒОМОВА.

МАВЗУГА ҚАЙТАМИЗ

«ЭГА»ЛАРИ АНИҚЛАНДИ

РЎЗНОМАМИЗНИНГ шу йил 12 февраль сонида жумҳурият «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни ижросига панжа орасидан қараётган айрим ташкилотларга тегишли пешлавҳа, кўрсаткич ва белгилар суратлари асосида «Лоқайдлигингизга «қойил!» танқидий мақоласи чоп этилганди.

Мазкур мақола юзасидан «Маиший хизмат Ассоциациясининг ижроия дирекцияси» раиси Б. Аҳмедов имзоси билан мактуб олдик. Ушбу жавобда жумладан шундай дейилган:

«... Мақола ва суратлар ҳақида қуйидагиларни маълум қиламиз.

Қуйи Чирчиқ ноҳияси аҳолига маиший хизмат кўрсатиш идорасига қарашли ҳамма шохобчаларининг пешлавҳалари давлат тилига ўтказилган.

Рўзномада акс эттирилган «Фотосалон» 1988 йилда «ЎзССР 5 йиллиги» давлат хўжалиги ихтиёрига топширилган, ҳозирги кунда пешлавҳа олиб ташланди.

Суратдаги «Голубой экран» пешлавҳаси Орбита-Сервис бирлашмасига, «Ремонт холодильников и стиральных машин» эса «Техсложбытприбор» бирлашмасига тегишли».

Жавоб хати ёрдамида пешлавҳаларнинг ҳақиқий эгалари — «Орбита-Сервис» ва «Техсложбытприбор» (номларини қаранг-а!) бирлашмалари эканлигини билиб олдик. Ушбу чиқишимиз туфайли ҳар икки бирлашмадаги мутасаддилар ҳам пешлавҳаларнинг эгаси кимлигини билиб олган бўлсалар, ажаб эмас!..

МУШТАРИЙ ТАКЛИФИ

ДАМ ОЛИШ КУНИ ЎЗГАРТИРИЛСА...

ҚАДИМДАН ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган ва қарийб 70 йил давомида таназзулга маҳкум этилган миллий удумларимиз ва қадриятларимиз қайта тикланаётганлиги келажак ҳаётнинг янада барқарор бўлишини таъминлашга ишонч уйғотади.

Ҳозирги кун шарт-шароитларидан келиб чиқиб, мустақил Она-юртимиз порлоқ тараққиётга юз тутаётган ва амалий ҳаракатлар бошланган бир пайтда пайшанба ва жума кунларини дам олиш кунларига айлантирилса нур устига нур бўлур эди. Ўз ўрнида шанба ва якшанба кунларини эса иш кунларига айлантириш лозим, деб ўйлайман.

Бу биринчидан, динга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгараётган бир пайтда унга эътиқод қўйганлар учун қулайликлар яратади. Ишчи-хизматчиларнинг иш вақтига тўғри келадиган турли маросимлар бемалол ўтказилишига имконият туғилади.

Иккинчидан, қабрлар, қадамжолар зиёрати, хатми қуръон маъракаларини ўтказувчиларга ҳам шароит вужудга келиб, бу билан баъзи норозиликларнинг ҳам олдини болта урилган бўларди. Қолаверса, хорижий мамлакатлардаги ватандошларимиз ҳам бундай имкониятлардан хурсанд бўлишарди.

Рихсибой ТИЛЛАБОЕВ,
Тошкент ноҳиясидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ДУНЁГА ЙЎЛ ОЧДИ

Осиё ва Африка мамлакатлари жамоатчилигининг кенг доиралари қатнашадиган халқаро ташкилот ҳам бор. Бу ташкилот «Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти» деб аталади. У мазкур иккала қитъа мамлакатлари миллий мустақиллиги, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиши, ялпи тинчликни таъминлаш учун курашади.

Бу ташкилот Уставига кўра Осиё ва Африкадаги барча халқ ҳаракатлари унга аъзо бўлишлари мумкин. Ҳозирги вақтда Хитой, Мўғулистон, Покистон бу ташкилот фаолиятида қатнашмоқда. Бироқ, СССР унга аъзо сифатида маълумот берилиши сўралганди.

Тан олиш керакки, **Тбилиси, Киев, Боку, Москва** шаҳар ижроқўмларидан келган жавоблардан маълум бўлишича бу **шаҳарларда кўпи билан учтагача кўча ўзбек алломалари ёки атамаларидан иборат экан.** Лекин биротасида бизнинг халққа тааллуқли ёдгорлик ўрнатилмаган экан. **Одесса, Челябинск, Омск, Томск, Кишинев, Таллин каби шаҳарлардан эса** «бизда сизни қизиқтирган маълумотлар йўқ» деган жавобни олгандим.

Тошкентдаги ўнлаб кўчалар номи **Омск, Одесса, Кишинев каби атамаларда,** ёдгорликлар ҳам **Горький, Пушкин, Гоголь, «14 комиссар»...,** ноҳияларимиз **Фрунзе, Куйбишев, Киров** деб аталади. Бу ўринда изоҳга ҳожат йўқ.

Хулоса ўрнида, яна юқорида зикр этилган аниқ таклифларга қайтмоқчиман. Бу таклифларнинг кўриб чиқилишини истар эдик. Гап фақатгина ўзгариш ёки ҳайкал ўрнатиш хусусида эмас, балки миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш ҳақида кетаяпти.

«СУТ БИЛАН КИРГАН»МИ?

Модомики сўзимиз «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун амалиёти хусусида экан, яна айрим мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтиш жоиз.

1991 йил 31 август куни жумҳуриятимиз мустақиллиги эълон қилинди. Аммо пойтахт ва унинг вилоятидаги кўплаб ҳудудларда «эски ҳаммом, эски тос» вақтидаги шиорлар, ҳатто амалий иш кўришлар ҳануз давом этмоқда. Бундай кўнгилхираликни истаганча кўриш, деярли ҳар қадамда, унга дуч келиш мумкин. Ушбуга илова қилинаётган сурат-лавҳалар вилоятимиз ва пойтахтимиздаги жойларда тасвирга туширилган. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бу шиорлар ортида бошқа маънога дуч келиш аниқ. Яъни, жойлардаги кўплаб мутасаддилар кўксида на ўзбекона ғурур, на миллий эътиқод йўқлигидан, ҳар бир ҳарфи одам бўйидек шиорларни кўрганда лоқайдгина (балки ҳомуза тортиб) ўтиб кетсалар керак. **Хўш, бу лоқайдлик қачонгача давом этади? Қачонгача субутсизлик қиламиз?**

Дилмурод САИДОВ.

Ушбу суратларга тагсўз ёзиб, изоҳлаб ўтирмаймиз. Уларда биз кўтараётган масалага бўлган муносабат ўзўзидан кўриниб турибди.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ДОРИЛФУНУННИНГ ТАЯНЧ НЕГИЗИ

Илм-фан билан ишлаб чиқариш ҳамкорлигини кенг йўлга қўйиш борасида тадбиркорлик билан иш юритилмоқда. Тошкент техника дорилфунуни илмий жамоатчилигининг тадқиқотлар самарадорлигини ошириш соҳасидаги изланишлари ҳам диққатга сазовордир.

Бугунги кунда олий ўқув юрти қатор йирик саноат корхоналари билан яқин илмий-амалий алоқалар боғлаган. «Алгоритм», «Технолог» ишлаб чиқариш бирлашмалари билан ҳамкорлик яхши натижаларни бермоқда. Техника фанининг кўзга кўринган намоёндалари тадқиқотларининг кўпи ана шу корхоналарда қўлланилмоқда.

Дорилфунун «Машхлопководство» билан ҳам бу каби алоқаларни йўлга қўйди. Бирлашмага қарашли қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари олий ўқув юрти учун ишлаб чиқариш таянч негизи бўлиб қолди.

С. ОДИЛОВА.



Саҳоватли кишилар диққатига!

Пойтахтимиз Тошкентнинг Собир Раҳимов ноҳиясидаги обод ва кўркам гўшалардан бўлмиш Ал-Беруний, Мирзо Асадуллахон Ғолиб, Аъзам Иброҳимов номли маҳаллаларнинг янги марказий гузарида Покистоннинг «Табани» тижорат компанияси, Саудия Арабистонлик ватандошларимиз, «Мовароуннаҳр» диний назорат Бошқармаси бошлиғи Муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ҳомийлигида, саҳоватли кишиларимизнинг кўнглидан чиқариб қўшаётган хайриялари ҳисобига ўзбек фарзанди, Ҳиндистон ярим ороли халқларининг буюк мутафаккир аллома шоири Мирзо Ғолиб номидаги жомеъ масжид-мадрасаси қурилмоқда. Унинг биргина хонақосининг саҳни олти сотиҳ майдонни эгаллайди. Ўн олти хонадондан иборат икки қаватли мадраса эса уч юз нафар талабага мўлжалланган-дир.

Ҳурматли юртдошлар! Турли корхона, муассаса ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари! Агар савоб йўлида ушбу эзгулик ишига ўз ҳиссангизни қўшиш ниятингиз бўлса, диққатингизга қуйидаги маълумотнома ва ҳисоб дафтари рақамларини ҳавола қиламиз:

Тошкент шаҳар, С. Раҳимов ноҳия саноат-қурилиш банки. Ҳисоб варақаси: 000700124. МФО, 172682309.

Бош манзилгоҳимиз:

Тошкент шаҳри, С. Раҳимов ноҳияси, Мирзо Ғолиб кўчасида жойлашган маҳалла қўмитаси.

• Китоблар оламида

БАРҲАЁТ ОБИДА

БИЗ Фирдавсий номини, унинг «Шоҳномаси»ни кундалик ҳаётимизда тез-тез тилга оламиз. Фирдавсий даҳоси тўғрисида фахр ва ифтихор билан сўзлаймиз, аммо кўпчилик бу улуғ сўз санъаткорининг умр йўли, «Шоҳнома» эпосининг асл моҳияти ҳақида жўяли бир фикр айтолмайди, десак муболаға бўлмас. Чунки бизнинг илмий-техник замонамизда кино, телевизор ва бошқа овуниш воситалари бисёрлиги учун китобхонлик жуда пасайиб кетган. Қиссахонлик, достонхонлик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, буюк асарлар ҳақида ёзилган китобларнинг нашр этилиши катта аҳамият касб этади. Бундай тадқиқотлар ўқувчиларни ўша асарларни қайта қўлга олишга илҳомлантиради.

Яқинда китобхонлар ана шундай рисолага эга бўладилар. «ШОҲНОМА»НИНГ ШУҲРАТИ» деб номланган бу китобча филология фанлари доктори Ҳамиджон ҲОМИДОВ қаламига мансубдир. Асосий мақсадимизни баён этишдан аввал унинг муаллифи ҳақида икки оғиз сўз айтсак. Ҳамиджон Ҳомидов узоқ йиллардан бери Фирдавсий ва ўзбек адабиёти масаласида илмий-ижодий тадқиқот олиб бораётган, Фирдавсий ижодига ўзбек халқининг қизиқиши, меҳр-муҳаббати, туркий «шоҳнома»хонлик анъаналарининг қадимий илдизларию бугунги аҳволи ҳақида кўп ва хўп ёзаётган олим. Унинг «Шоҳнома»нинг ўзбекча нашрларига сўзбоши ва изоҳлар ёзиши, «Шоҳнома»ни ўрганишга оид бир қанча рисолалари ҳам ўзбек китобхонларига яхши таниш.

Ҳамиджон Ҳомидов «Шоҳнома»нинг шуҳрати номли рисоласида Фирдавсий ижодининг ўзбек халқи маънавий ҳаётида тутган ўрни, унинг ўзбек адабиётига кўрсатган таъсири ҳақида сўз юритади. Муаллиф Фирдавсий ижодининг ўзбек халқи маънавий ҳаётида тутган ўрнини ёритишда ўзбек адабиётшуносларимиздан биридир.

Бу сермаҳсул ва заҳматкаш ижодкор «Шоҳнома» бўйича номзодлик ва докторлик илмий ишларини ҳимоя қилди. «Боқий бўстон таровати», «Олис-яқин юлдузлар», «Борбат Марвазий», «Гуманизм куйчиси» каби китоблари орқали китобхонлар эътиборини қозонди. Адабий меросимизнинг жонкуяр тарғиботчиси сифатида XIX асрда яшаб ижод этган Хомушийнинг насрда битилган «Шоҳномаи туркий» асарини нашрга тайёрлади. Ушбу сатрлар муаллифларидан И. Остонақулов билан ҳамкорликда Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Тазкират ул-авлиёйи туркий» асарини ҳам босмага тайёрлади. Бу икки буюк асар яқинда китобхонлар қўлига етиб боради, деган умиддамиз. Мана бугун эса қўлимизда — «Шоҳнома»нинг шуҳрати».

Маълумки, Абдулқосим Фирдавсий (940 ҳижрийда туғилган)нинг ўлмас «Шоҳнома»сида халқ қаҳрамонлиги, ватанпарварлик, адолат ва маърифат ғоялари тараннум этилган бўлиб, дунё эпосининг мумтозларидан саналади. Унда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон халқларининг қадимги ҳаёти, кураши, эътиқоди, маданияти, санъати, илм-фани, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ ва ўзга эллар билан снёсий-иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисида кенг маълумотлар берилган. Жами 120 минг мисрадан иборат бу бадиий обида ўзининг ғоявий-бадиий қудрати билан ҳам қимматли асардир.



Китоб муаллифи «Шоҳнома» тўғрисида энг асосий маълумотларни жамлаб ўқувчиларга тақдим этган. Шу билан бирга Фирдавсий ижодининг кўпчиликка номаълум бўлган қирраларини ҳам кашф этиб, адабиёт аҳли эътиборига ҳавола қилади. Китобнинг «Барҳаёт обида» деб номланган бобида муаллиф «Шоҳнома»нинг қисқача мазмунини баён этади. Достонларнинг асосий қаҳрамонлари ҳақида маълумот беради. Шунингдек жаҳон илм-фани намояндаларининг Фирдавсий ижодига берган баҳолари, хусусан, «Шоҳнома»ни ўрганишга катта вияси таҳлил этилади. Ўзбек адибларининг таҳсинига сазовор ишлари, икки халқ ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссалари билимдонлик билан кўрсатиб берилади.

«Мирзо Бойсунқур — «Шоҳнома»нинг илк тадқиқотчиси» сарлавҳали мақолада маданиятимиз тарихининг энг порлоқ даврлари ҳақида ҳозирги замон ўқувчиси учун ғоят муҳим илмий фикрлар баён этилган. Бу мақола китобнинг энг гўзал нуқталаридан бири десак, янглишмаймиз.

«Зардўшт» — Заратустра», «Авесто», «Билимлар хазинаси» сарлавҳалари остида берилган мақолалар «Шоҳнома» фақат бадиий асар сифатидагина эмас, балки буюк илмий ва тарихий ёдгорлик ҳам эканлигини англаб етишимизга ёрдам беради. «Шоҳнома» гарчи форс-тожик тилида яратилган бўлсада, у туркий халқларнинг ҳам севимли ва буюк меросидир. Чунки бу асар дунёдаги бошқа халқларга нисбатан туркий халқлар тилига ҳам жуда эрта, ҳам кўп ва хўп таржима қилинган, аллақачоноқ маънавий бойлик сифатида ардоқланиб келинади. Бунинг туб сабабини китоб муаллифининг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди: «Улуғ санъаткорлар ижодининг қиммати бир халқ доирасида қолиб кетмайди, ўз замони билан белгиланмайди, у асрлар оша умумбашарий моҳият касб этиб бораверади. «Шоҳнома» ғояларининг ҳамиша замонавий эканлигининг, илғор кишилар билан ҳамиша ҳамқадам ва ҳамнафаслигининг сири ҳам ана шу умуминсонийлигидадир».

Фирдавсий даҳосига меҳр-муҳаббат, садоқат самараси бўлиб майдонга келган бу китоб ўзбек китобхонлари учун яхши туҳфа бўлди. Бунинг учун биз «Ўзбекистон» нашриёти ходимларига чуқур миннатдорчилик билдирсак, арзийди.

Икром ОСТОНАҚУЛОВ, Дамин ЖУМАҚУЛОВ.

• МУШОИРА—92 •

ЯШАШ ГАШТЛИ

Яшаш гаштли, ёруғ оламга мен ҳеч бир тўёлмасман,
Боқиб софдил, жўмард оламга мен ҳеч бир тўёлмасман.

Мусоҳаба, шакаргуфторлик умримга умр қўшгай,
Яхшиларнинг даврасин тарк этиб бўлмас, қўёлмасман.

Саломатлик — туман бойлик, демишларким машойихлар,
Бўлак бойлиқ қизиқтирмас, аларни тан ололмасман.

Ташвиш ила олам гўзал, унингсиз бу ҳаёт жўндир,
Ташвишларсиз, осон кечса бу умримни суйолмасман.

Одам қадрин одам билгай, мунофиқлар яши шумлик,
Ваҳ, аблаҳлик қилиб турса, уни инсон деёлмасман.

Тили бошқа, дили бошқа ва ё зимдан мени пойлаб
Маломат тошларин отса, уни дўстга йўёлмасман.

Мени маъзур тутинг дўстлар, Музаффарда ҳадик ҳоким,
Буюк ҳазрат Навоийдек ғазални дўндиролмасман.

АРМОН БЎЛМАСУН

Бу оламда ҳеч боши ҳам инсон бўлмасун,
Сен ер бўлиб, суҳбатдошинг осмон бўлмасун.

Дунё, дерлар, бир кам икки, нетамиз, аммо
Дўстлар аро ҳеч бир шубҳа, гумон бўлмасун.

Нар-у, мода — қўш кабутар зинҳор-безинҳор
Айру тушиб, бир-биридан гирён бўлмасун.

Ошин ошаб, ёшин яшаб ўтсин-у ҳар ким
Ҳеч кимсанинг дарди дилда пинҳон бўлмасун.

Алиф янглиғ тўғри бўл-у бошингни эгма,
Забун ҳолинг кўриб душман шодон бўлмасун.

Синашда бўл ҳамроҳинг-ла, адашма, шошма,
Сафардошинг сира-сира нодон бўлмасун.

Ногаҳонда илк тасодиф... биринчи хато,
Афв этишга наҳот тадбир, имкон бўлмасун,

Яхши от ҳам қоқилар бир бора, Музаффар,
Юрагингда бир умр бу армон бўлмасун.

* * *

Бу дунё торга тор, кенгадир кенг, юр!
Фурсатдан кечикма, у билан тенг, юр.
Ўзингга бўй бўл-у, адашма, шошма
Ва зинҳор бўлмайин ўзгага енг, юр!

* * *

Қайда дейсиз кунда тўй, баёт,
Меъёрида яхши эҳтирос,
Дунё мангу, абадий ҳаёт,
Бироқ умрим нисбийлиги рост.

* * *

Дов-дарахтлар бемаврид асло
Барглиридан бўлмасин жудо,
Ўлим барҳақ, қўрқмасман, аммо,
Бемаҳалдан сақласин Худо!

МАЛИКАМ

Малоҳатда ягона десам,
Дурлар ичра дурдонам десам,
Сенсиз кемтик бу олам, десам,
Сен ишонгин, менинг Маликам.

Ишқинг қалбга чўғ солгани рост,
Ҳаловатим йўқолгани рост.
Дилда ҳоким туғён, эҳтирос,
Сен ишонгин, менинг Маликам.

Бу дунёда борлигим сендан,
Пинҳон дардга ёрлигим сендан.
Гоҳо мажнунворлигим сендан,
Сен ишонгин, менинг Маликам.

Ночорликдан десанг-да: «аттанг!»
Гар бўлса-да, аҳволимиз танг,
Дунё гўзал севиб яшасанг,
Сен ишонгин, менинг Маликам!

Музаффар ТУРОБ.

• ҲАР ТЎҒРИДА •

ҚУМ ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДА

● АФРИКА қитъаси Саҳрои Кабири жанубидаги ҳудуд қумнинг қудратли ҳужуми оқибатида экологик ҳалокатни бошидан кечирмоқда. Бу минтақада камдан-кам бўладиган ёғингарчилик қум ҳужуми кенгайишини тўхтата олмаяпти. Африкалик ва оврўполик мутахассислар шундай фикрга келмоқдалар.

Шу ҳудудда жойлашган мамлакатларда сўнгги 50 йил давомида қум 65 миллион гектар ҳосилдор ер майдонларини ўз қаърига тортди.

Бундай аянчли ва ҳалокатли ҳолат содир бўлишининг асосий сабабларидан бири — ўрмонларни ҳеч қандай назоратсиз, пала-партиш ва керагидан ортиқча кесиб ташланаётганлигидир. Африкада барча энергетика эҳтиёжларининг 90 фоизи ўтин ҳисобига таъминланади.

СПИД — ҲАЛОКАТ САБАБЧИСИ

● АФИНА яқинида бирнеча киши дельфинлар ҳалокатининг гувоҳи бўлишди. Бу ақлли жонворларнинг ўз жонларига ўзлари қасд қилганликлари ҳаммани ҳайратга солди. Воқеа шундай содир бўлди: аввал битта дельфин сувдан қирғоққа чиқиб, ўзини қояларга урабошлади, орадан бироз ўтар-ўтмас, унинг урғочиси ҳам сувдан чиқиб, эркаги ҳаракатларини такрорлашга тушди. Улар ҳалок бўлгунча шундай қилавердилар. Орадан бир неча кун ўтгач, ўтган йилнинг декабри бошларида, бундай воқеа Грециянинг бошқа денгиз соҳилларида ҳам такрорланди.

Табиийки, олимлар бу муаммо билан шуғулланабошладилар. Улар текширишлардан кейин салкам 300 та дельфин ҳалокатининг сабабчиси СПИД вирусига ўхшаш вируслар эканлигини аниқладилар.


ЯРИМ АСР ТУТҚИНЛИКДА

● «ТАЙМС» рўзномасининг сонларидан бирида кўпчилик муштарийлар эътиборини тортган, бизнинг маданиятли даврimizда хаёлга келмайдиган ғаройиб бир воқеа баён қилинди. Бир эркак ўз умр йўлдошини 50 йил давомида, уйидан кетадиган бўлса, ҳар гал кўмир сақланадиган совуқ саройга ёки совуқ ётоқхонага қамаб қўйган. Бу воқеа хотин касалхонага тушиб қолиб, шу ҳақда тиббиёт ҳамширасига гапириб берганида маълум бўлди. Иш полицияга оширилди, хотин эри устидан ҳеч вақт шикоят қилмаган бўлса ҳам шундай қилинди.

● ДЕЛЬФИНЛАР билан инсонлар ўртасида содир бўлган бу воқеаларни таққослаб кўринг-а! Эркак ва урғочи дельфинлар юқоридаги ҳолда бир-бирига ниҳоятда содиқ эканликларини қанчалик ёрқин намойиш қилганликлари кишини ҳайратда қолдирса, эрнинг бир ёстиққа бош қўйган хотинига нисбатан қилган жабр-зулми шунчалик кучли қаҳр-ғазаб уйғотади.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

«СТРОЙИНТЕХ» КИЧИК ДАВЛАТ КОРХОНАСИ



ДАВЛАТ ВА КИЧИК КОРХОНАЛАРГА, КОНЦЕРНЛАРГА, АССОЦИАЦИЯ ВА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАРГА, ШУНИНГДЕК, ХУСУСИЙ ШАХСЛАРГА

БОЗОР НАРХЛАРИДАН АРЗОН ВАҲОЛАРДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИ КУРСАТАДИ.

Боғланиш телефони: 44-02-81.

СПОРТ

ЁШ БОКСЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

ҚИБРАЙ ноҳиясидаги А. Матқобулов номли 9-ўрта мактабда байналмилалчи жангчи Раҳматилла Иброҳимов хотирасига бағишланган бокс мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Ғазалкент шаҳридан, Чорвоқдан ҳамда Қибрай ноҳиясидан 120 нафар ёш спортчи қатнашди. Ўз вазнидаги мусобақаларда қибрайлик спортчилар С. Умбетов, А. Пўлатов, С. Жўмабоев, А. Фахриддиновлар ҳамда ғазалкентлик Е. Сейтеметов, С. Илёсов, чорвоқлик С. Мамбетов, И. Турғунбоевлар ғолиб бўлдилар. Уларга диплом ва қимматбаҳо буюмлар совға сифатида топширилди.

Т. ҚОДИРОВ.

Ҳамдардлик билдирамиз


Ҳурматли муҳарририят!

Поликлиникамизнинг энг ишчан ходимларидан бири Резеда Усманаеванинг бошига оғир мусибат тушди: унинг етти яшар қизи Ралина бевақт вафот этди. Фарзанд доғининг нақадар оғирлигини ҳар биримиз чуқур ҳис этамиз.

Биз Резеда Усманаеванинг бошига тушган ана шу оғир мусибат туфайли унга ва оила аъзоларига қадрдон рўзномамиз орқали чуқур ҳамдардлик изҳор этиб, сабр-бардош тилаймиз.

Тошкент вилоят болалар поликлиникасининг жамоаси.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР



«ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИДА

(Ҳадра майдони)

14 МАРТ СОАТ 15.00 ДА,
15 МАРТ СОАТ 11.00 ВА 14.00 ДА,
18, 19, 20 МАРТ СОАТ 18.30 ДА

ЛИЛИПУТЛАР ЦИРКИ ГАСТРОЛЛАРИ

Дастурнинг бадиий раҳбари — ИВАН ПРОЦЕНКО

21 март соат 11, 14, 17.00 да «НАВРЎЗ» БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН

«АССАЛОМ, НАВРЎЗ!»

БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ

«АЖОИИБ ЮЛДУЗЛАР» ансамбли.

22 МАРТДАН 31 МАРТГАЧА СОАТ 11, 14, 17.00 ДА

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БАҲОРГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА

ўргатилган итлар, айиқлар ва илонлар иштирокида

ЛИЛИПУТЛАР ЦИРКИ 2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ

РАНГ-БАРАНГ ДАСТУР

КАССА СОАТ 10 ДАН 19.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04, 44-35-84.

ЦИРК ФОЙЕСИДА ШОШИЛИНЧ СУРАТКАШЛИК УСТАХОНАСИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар — 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар — 325666.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома офсет усулида А—3 форматида босилади.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г-18.

Индекс: 64672.

Босишга топшириш вақти — 20.30.

Босишга топширилди — 19.00.

30579 нусха босилди.